


Н. ШОУМАРОВ, Б. ХОБИЛОВ

ЗИЛЗИЛАБАРДОШ ИМОРАТЛАР



ББК 38.79
III 74

Тақризчилар: техника фанлари докторлари:
Г. Ҳ. Ҳожиматов, К. С. Абдурашидов

Редактор Л. Исаева

III 3308000000 — 183 82—89
M 359 (04)—89

ISBN 5—8244—0189—6

© «Меҳнат» нашриёти, 1989

I БОБ. КИРИШ

Зилзила нима? Ер нега қимирлайди?

Зилзила — табиий офат бўлиб, ҳар йили Ер шари ҳолисига катта-катта кулфатлар келтиради, унинг оқибатида иншоотлар бузилади, ёнғинлар чиқади, одамлар ҳалок бўлади. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, 1925—1950 йиллар мобайнида содир бўлган зилзилалар ақтида Ер юзи бўйича 350 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлган, 10 миллиард доллар атрофида моддий зарар ўрилган. Ер шарида ҳар йили 300 мингдан ортиқ зилзила юз бериб, уларнинг кўпи кучсиз ёки одам яшайдиган районларда бўлади. Баъзан зилзила маркази ҳоли зич яшайдиган шаҳар ва районларда жойлашган бўлади.

Зилзила айтиб бериб қолган камдан-кам, ўнлаб ва атто юзлаб йиллардан кейин қайтарилади ва ҳар қайси зилзиланинг ўзига хос хусусияти бўлади, шу сабаб иншоотларни зилзилага бардошли қилиб қуришда тадбирлар гоҳида фойдали бўлса, гоҳида аксинча, зарар келтириши мумкин. Шунга қарамай, содир бўлган зилзилалар оқибатини анализ қилиш асосида қарор топган бир қанча қондаларни *универсал* ва *фойдали* деб қараш мумкин.

СССР территориясининг 20% дан ортиқ майдони сейсмик жиҳатдан актив зона ҳисобланади. Бу ерларда ҳозир катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Сейсмолог олим Г. П. Горшковнинг ёзишича, Урта Осиё чегарасидаги ҳозирги тектоник жараёнларнинг интенсивлиги Осиё қитъасининг бошқа ҳар қандай қисмидагидан юқоридир (Ҳимолайнинг баъзи участкалари бундан истиснодир, эҳтимол). Зилзила оқибатида Урта Осиёнинг Андижон (1902 й.) Ашхобод (1948 й.), Тошкент (1946, 1966 йй.) ва бошқа йирик марказлари моддий зарар кўрди. Бу регионда биноларнинг зилзила бардошлигини таъминлаш муҳим эканлиги ўз-ўзини кўриниб турибди.

Бу вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши сейсмик жиҳатдан актив зонада аҳоли хавфсизлигини таъминлайди. Иморатларнинг ер силкинишлари кучини

Н. Б. ШОУМАРОВ, Б. А. ҲОБИЛОВ

ЗИЛЗИЛАБАРДОШ
ИМОРАТЛАР

ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 1989

